

Сайид Мубашшир Тарозий ўз хаммаслаклари билан бирга мужохид ватандошлардан Туркистанни озод килиш жабхасини тузишда иштирок этдилар.

Мустакиллик, озодлик ва хуррият тушунчалари бир-бирини тўлдириб келувчи нарсалар бўлиб, Аллоҳ таолонинг ўз бандаларига берган улкан неъмати хисобланади. Аллоҳ таоло хар бир бандани мустакил-озод ва хур килиб яратади. Инсон факатгина ўзининг яратувчиси хак субханаҳу ва таологагина бўйсуниб, унга итоат килиб яшashi даркор. Аммо, баъзи табиати бузук инсонлар бу коидани бузиб, ўзига бирор бўлган бошка инсонларни ўз иродасига бўйсундириш, уларни ўзига кул килиш, бошкacha килиб айтганда, ўша инсонларнинг мустакиллигини, озодлиги ва хурриятини поймол килишга уринади.

Бу максадга эришиш йўлида шахсларга карши куч-кувват ва зулм, давлатларга карши уруш ва мустамлакачилик сиёсати ишга солинади. Натижада, шахслар кулга, давлатлар мустамлакага айланади. Кулга айланган шахслар озодлигини, мустамлакага айланган юртлар мустакиллигини йўкотади.

Шу билан бирга, кулга айланган шахс ва мустамлакага айланган юрт, ўз тушунчаси, дунёкараши, хассослигига караб куллик ва мустамлакаликка турлича карайдилар. Ўзида озодлик тушунчаси етишмайдиган, бу неъматнинг кадрини билмайдиган шахсларда кулликка мойиллик бўлади ва ўзининг куллигини озодлик, деб тушунади. Шунингдек, мустамлака бўлишга майли бор юртлар, ўзининг мустамлакалигини мустакиллик, деб айтади ва мустамлакага айланган кунни “илгор халқ”ка, “катта огаси”га ўз ихтиёри илиа кўшилган “баҳтли” кун сифатида байрам киласди.

Ор номуслар бўлсинким, асли хур бўлган бизнинг халкимиз ичидан Ленинни отам, Марксни бобом, коммунизмни диним ва эътиодим, деб ўзларининг уларга банда бўлгани етмагандай, ўз халкини хам кул килишга уринган коммунистлар чикди. Улар етмиш йилдан ортиқ даврда кул бўлган халқка “озодсан” деб, мустамлака бўлган юртимизни “мустакил”, деб келишди.

Аллохга хамду санолар бўлсинким, халкимизга фахр ва эътиозлар бўлсинким, унинг фарзандлари ичидан хакикий хуррият ва озодлик, хакикий мустакилликнинг маъносини тушинадиган, кадрини биладиган, куллик ва мустамлакадан нафрат киладиган шахслар етишиб чикди. Бу азиз кишиларимиз сонлари оз бўлсалар хам, кучлари йўқ бўлса хам, Аллохнинг улуг неъмати бўлмиш озодликдан халклари, мустакилликдан юртлари бебахра бўлиб колмаслиги учун харакат килдилар. Ўз халкининг бошка халклар катори озод бўлиши, ўз юртининг бошка юртлар катори мустакил бўлиши учун курашдилар.

Аммо кучлар teng эмас эди, юртдаги барча хукм ва имкониятни босиб олган коммунистлар муноғикларча иш тутар, ўзлари озодлик ва мустакиллик хакида жар солиб, хакикий озодлик ва мустакиллик тарафдорларининг ёстикларини куритар эдилар. Худосизлар тузуми халкимизнинг гули, юртимиз мустакиллиги фидоийлари бўлган бу азиз кишиларимизни халқ душмани ва реаксион куч сифатида айладилар. Окибатда, мустакиллик фидоийларининг баъзилари шахид бўлдилар, баъзилари эса, она ватанларидан хижрат килишга мажбур бўлдилар.

Афсуски, юртимиз мустакиллигининг хакикий фидоийлари билан халкимиз хозиргача яхши таниш эмас. Лекин, ёмонлик жазосиз колмаганидек, яхшилик хам бекор кетмайди. Музкур фидоийларимизни хам кимдир эслashi, уларнинг устидаги зулмни кўтариши,

Муаллиф:
12.02.2014 08:01 -

уларга хакикий баҳони бериши керак эди.

Юртимиз мустакиллиги фидойиларидан бири Сайид Мубашшир Тарозийдир. У киши 1314 хижрий сананинг 27 ражабида, яъни 1886 мелодий сана, 20 декабрда Тароз шахрида (хозирги Жамбул, эски Авлиё ота) Туркистонда ўзининг илми, тақвоси ва обру-эътибори ила машхур оиласада дунёга келдилар. Оталари Сайид Мухаммадхон ибн Сайид Мухаммад Гозийхон улкан олим бўлиб, ханафий мазхаби фикхи ва Накшбандий тарикатининг кўзга кўринган етакчиларидан бири эдилар. Алломаи Тарозийнинг ота тарафдан наслаблари Имом Хусайн розияллоҳу анхуга етиб боради. Она томонидан эса, Шаркий Туркистондаги охирги Ислом давлати амири Сайид Бузрукхон оркали Оғок Хўжамга бориб етадилар.

Алломаи Тарозий хазратлари бошлангич таълимни Тарозда олдилар. Сўнгра Тошкентга келиб, мадрасаларда ўкиб, охири Абул Косимхон олий ўкув даргохини битирдилар.

Шундан сўнг Бухорога бориб, одатдан ташкари имтихон топшириб, улуг устозларнинг тафсир, хадис, араб адабиёти ва бошка илмлардан руҳсатларини олдилар.

Мазкур илмий даражаларга эришганларидан сўнг у кишини Туркистонда “аллома” деб атاي бошладилар.

Алломаи Тарозий талабалик вактларида ёк Тошкентда чикадиган “Ал-Ислоҳ” ва Самарканда чикадиган “Ойна” мажаллаларига маколалар ёза бошладилар. Олий мадрасада ўкиб турган чоғларида Тошкентда чикадиган “Ал-Ийзоҳ” номли мажаллага бош муҳаррир этиб тайинландилар.

Аллома Тарозий 1917 йили Туркистон мустакиллиги учун курашиш максадида “Туркистон талабалар жамияти”ни туздилар. Тароз ва Тошкент шахарларида исломий илмлардан дарс бердилар. Керенский хукумати даврида давлат думасига ноиб этиб сайландилар. 1926 йили халк томонидан диний назорат раиси этиб сайландилар.

Коммунистлар давлатни босиб олганларидан сўнг, ўз одатларича, ёлгон-яшик ваъдаларни бера бошладилар. “Шарқ мусулмонларига мурожаат” номли ёлгон ва нифокдан иборат, ваъдаларга тўла сафсата хам эълон килинди. Бу ёлгонга кўпчилик ишонди. Аммо Алломаи Тарозий хазратлари ишонмадилар, дин-диёнат, халк баҳти ва хакикий мустакиллик йўлидаги курашларини давом эттирдилар. Бу орада у киши коммунистлар томонидан уч марта камалдилар ва бир марта сургунга хукм килинди. Ўша вактларда коммунистлар вакили Неъмат Ҳаким номли даҳрий “Мухаммад илоҳий пайгамбарми?” деган китоб ёзиб, дин-диёнатта, пайгамбарликка ва Худога шак келтирган, кишиларни худосизликка чакиришга урунган эди. Алломаи Тарозий хазратлари мазкур коғирнинг китобига раддия тарзида ўзбек тилида “Куръон ва нубувват” номли китоб ёзганлар ва уни ўзлари имомлик килган масжидда мусулмонларга ўкиб берганлар.

Худди ўша пайтда, мусулмон аёлларни иффатсиз килиш максадида, хижобга карши хужум бошланган эди. Баъзи бир ўзига илм нисбатини берувчи хоинлар бу ишни шариатга тўгри келади, деб кўллашига карамай, Алломаи Тарозий хазратлари бу ишга хам карши чикиб, мусулмонларни динни маҳкам тутишга даъват киладилар.

Алломаи Мубашшир Тарозий хаётларини чукур ўрганган тарихчилардан, машхур ал-Азҳар дорулфунуни уламоларидан доктор Ҳусайн Муҳийб Мисрий ўша пайтдаги холатни тасвиrlаб, шундай дейдилар: “Мазкур воқеалардан кейин коммунистлар Тарозийни ўзларининг энг кучли муҳолифларидан бири, деб билдилар. Унинг халк орасида туришини ўзлари учун хавф-хатар деб англадилар ва Тарозийни ўлдиришга амр килдилар. Лекин хукмни ижро эта олмадилар, чунки, Алломани минглаб муҳлис

Муаллиф:

12.02.2014 08:01 -

диндорлар ўраб туришарди. Алломаи Тарозийнинг хам, мусулмонларнинг хам иймондан бошка куроллари йўқ эди”.

1930 йили Алломаи Тарозий Бухоро оркали Афғонистонга хижрат килишга мажбур бўлдилар. У зотни Афғонистон подшоси Мухаммад Нодиршоҳ катта хурмат билан кутиб олиб, одатдан ташкари Афғонистон фукароси, подшохлик девони бош мудири, деб эълон килди. Шунингдек, Афғонистон адабиёт академияси аъзоси ва Афғон комуси хайъати таҳририга аъзо этиб тайинландилар.

1931-1932 санада Афғон расмий хайъати или Саудия Арабистонига сафар килиб, подшоҳ Абдулазиз билан дўстлик шартномасини тузиб кайтдилар.

1936 йили Хиндистонга сафар килган Аллома Тарозий у юртнинг кўзга кўринган уламолари, мусулмон раҳбарлари билан учрашиб, мухим масалаларни мухокама килдилар. “Ислом химояси жамияти” раиси машхур шоир ва файласуф Мухаммад Икболнинг таклифларига биноан, шу жамиятнинг йиллик йигилишида, “Ислом бирлиги вожиблиги” номли машхур маруъзаларини килдилар. Кейинчалик бу марзуза турли тилларга таржима килинди ва хамма ёқда нашр этилди. Шунингдек, у киши бошка шахарларда хам марузалар килиб, Хиндистон мусулмонларини бирлаштириб, мустамлакачиларга карши курашга даъват килдилар.

Сайид Мубашшир Тарозий ўз хаммаслаклари билан бирга мужоҳид ватандошлардан Туркистанни озод килиш жабхасини тузишда иштирок этдилар. Харбий тайёргарлик олиб бордилар. Одамларни коммунистик босқинчиларга карши курашга, мустакил Туркистан учун харакат килишга чорладилар. Лекин натижа кутилганидек бўлиб чикмади. Олмониядан кўли устун кела бошлаган Сталин Афғон хукуматига тазик ўтказиб, туркистанлик мужоҳидларни камашга мажбур килди. Шундай килиб, юрт мустакиллиги учун курашган Сайид Мубашшир Тарозий ўз сафдошлари билан 1943 йил апрел ойидан бошлаб сиёсий маҳбус сифатида камок жазосини ўтай бошлади. Лекин камок хам улуг мужоҳиднинг иродасини бука олмади. Тарозий хазратларининг кичик ўгиллари доктор Абдуллоҳ Мубашшир Тарозий ўз оталарининг кучли шахсият эгаси эканликларининг далили сифатида куйидагиларни эслайдилар. “Афғон ички ишлар вазирлиги сиёсий маҳбуслар бўлим бошлиги ўзининг каттиккўллиги ва берахмлиги билан машхур одам эди. Унинг номини эшитганда нафакат маҳбуслар, балки масъуллар хам ўзини йўқотиб, титрокка тушиб колар эдилар. Шу даражадаги шаккок одам хам Сайид Мубашшир Тарозийнинг хузурларига ўзини ўнглаб кирап, каршиларида тиз чўкиб ўтирада гаплашиб бўлганидан сўнг, кўлини кўксига кўйиб, одобла оркаси билан юрганича чикиб кетар эди. Сиёсий маҳбусларга ўкиш-ёзиш мутлако манъ этилган бўлишига карамай, Тарозий хазратлари хоҳлаган нарсаларини ўкиб, ёзар эдилар. У кишига бирор бу хакда хеч нарса дейишга ботина олмас эди”.

Шундай килиб, Аллома Тарозий ўзларининг буюк хаётларининг беш йилу, бир ой, уч кунини афғон сиёсий камогида ўтказдилар. Камоқдан чиккан мужоҳид Тарозийни суикасад уюштириб, ўлдириш учун КГБ ўз жосусларини Афғонистонга юборди. Аммо улар ўз ниятларига эриша олмадилар. Афғонистон подшоси Тарозий хазратларини яна саройга келишга таклиф килди. Аммо у киши бу таклифни кабул кilmай, оиласлари билан Мисрга кўчиб кетдилар.

Мисрда яшаган пайтларида турли йигилиш ва жамиятлар ишида фаол иштирок этдилар. Турли исломий масалаларни хал этишда катнашдилар. Бу фаолиятларнинг барчасида бош масала Туркистанни коммунистлар кўлидан озод килиш эди. У киши БМТ ва бошка халкаро ташкилотларга ўз халкига коммунистлар томонидан килинаётган жабр ва

Муаллиф:
12.02.2014 08:01 -

зулмларни баён этиб, бунга карши чора кўришга даъват этдилар. Кўпчилик эркпарварлар билан бирга “Мусулмон халкларни озод килиш учун кураш” жамиятида хайъат аъзоси бўлиб харакат килдилар. “Минбарул Ислом” ва бошка мажалла ва рўзномаларда ўз маколаларини нашр эттирдилар. Мисрдаги обрўли уламолар, хусусан, Азхари шариф шайхлари билан доимо алокада ва хамкорликда бўлдилар.

Алломаи Тарозий хазратлари ўзларининг жиходга тўла муборак хаётлари давомида сермаҳсул ижод килдилар. У киши 46та мажалла ва рўзномаларда ўз маколаларини нашр эттирдилар. Афғонистонда яшаб турган вактларида, энг сермаҳсул ёзувчи сифатида маҳсус мукофотга сазовор бўлдилар.

Аллома Абу Наср Мубашшир Тарозийнинг макола, нутқ, маъruzаларидан ташкари талиф килган китоблари кирк еттитага етган. У киши ўз китобларини ўзбек, форс ва араб тилларида ёзганлар.

Машхур китобларидан баъзиларини тилга оладиган бўлсак, “Ойнаи жаҳон” маснавийлари, “Аскарият дар Ислом”, “Хукики зан дар Ислом”, “Шароб менўш”, “Адаб ва иншо”, “Кошфул-лисом ар руబоийят Умарул Хайём”, “Нубзатун минассийран Набавия”, “ал-Жиход вал Жундия фии таолиймил Ислом”, “Илад Диинил Фитрийил Абадий” ва бошка кўплаб китоблардир.

Мухожирлик ва мужоҳидликда ўтган бу улкан хаёт 1397х. сана, робиул аввал ойи учинчиси, душанба куни, яъни 1977м. сана 21 февралда охирига етди. Ўша куни Аллома Мубашшир Тарозий хазратлари Кохирада саксон уч ёшларида вафот этдилар. (Аллоҳ ўз раҳматига олсин). У зотнинг дафн маросимлари илм, ирфон, хижрат ва жиходни тақдирлаш маросимиға айланди. Буюк олимнинг жанозасини Азхари шариф шайхлари Имомул акбар Абдулхалим Махмуд хазратлари ўқидилар.

Ўз юртида коммунистлар кувгинига учраган, иймони учун ўлимга хукм килинган инсонни дин кардошлари, мусулмонлар, азиз исломий Ватанинг бошка мінтакаларида улугладилар, эзозладилар.

Алломаи Тарозийнинг вафотларидан сўнг Кохирадаги “Айниш Шамс” дорулфунунида у кишини ёдлаб катта халкаро анжуман ўтказилди. Анжумандан иштирок этган атокли уламолар Алломаи Тарозий хаёти, ижод ва жиходлари хакида марузалар килдилар, илмий бахсларини тақдим этдилар. Мазкур маруза ва бахслар алоҳида китоб шаклида чоп этилди.

Киндик кони тўқилган она Ватанида коммунистлар жорий килган темир парда ва хур фикрликнинг катагони самараси туфайли хозирда хеч кимга танилмаган улуг олимнинг хаёти, ижоди, жиходи, илмий ишлари, китоблари хакида Саудия, Миср, Сурия, Афғонистон, Покистон, Туркия, Индонезия, Хиндистон, Япония каби юртларда олим ва тарихчилар изланиш олиб бориб, китоб ва бахслар, илмий маколалар ёздилар.

Хозирги кунда бир неча дорулфунунларда Аллома Мубашшир Тарозий хакида фан номзоди ва фан доктори унвони олиш учун олиб борилаётган бахслар рўйхатдан ўтган. 1993 йили Кохирада бўлиб ўтган “Ўрта Осиё ва Кафкоз мусулмонлари” номли илмий анжумандан хам Аллома Тарозий ва у кишининг илмий асарлари хакида бир неча марузалар килинди.

Улуг ватандошимиз, Туркистон мустакиллиги учун толмас курашчи, буюк олим Аллома Абу Наср Мубашшир Тарозий хазратлари ўзларидан сўнг буюк илмий мерос билан бирга, ахли солих олим фарзандларни хам колдирдилар. Улар ўз оталарининг ишларини шараф билан давом этдирмокдалар. Катта ўгиллари Насруллоҳ Тарозий Мисрда истикомат киладилар. Кичик ўгиллари доктор Абдуллоҳ Тарозий Жидда шаҳрида истикомат

Муаллиф:
12.02.2014 08:01 -

киладилар. Уларнинг бир канча китоблари чоп этилган.

Аллох таоло Аллома Абу Наср Мубашшир Тарозийни рахмат айлаб, жойларини жаннатдан килсин!

Вакт эътиборидан сизларга денгиздан бир томчи такдим эта олдик, холос. Шу билан халкимиз олдидаги бир манавий бурчни адо этмокчи бўлдик. Иншааллох, келгусида улуг олим ва мужоҳид Алломаи Тарозий хазратларининг хаётлари ва илмий мерослари тўлик ўрганилиб, халкимизга такдим этилишидан умидвормиз.

Аллох таоло ўзи бундай хайрли ишларга мұяссар килсин!

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф,

"Тарих омонатдир" китобидан